

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

“ИҚТИСОДИЁТ” кафедраси

**Мавзу: ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ВА ДАВЛАТНИНГ
ФИСКАЛ СИЁСАТИ**

Маърузачи: Р..М.Ахмедов

Наманган 2022

РЕЖА

1.Савол

- **Иқтисодий ўсишни давлат томонидан тартибга солиш**

2.Савол

- **Давлатнинг фискал сиёсати, унинг мақсади ва иқтисодий дастаклари.**

3.Савол

- **Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлаш омиллари ва натижалари**

ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИНГ МОҲИЯТИ

- ✦ Иқтисодий ўсиш - ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, иқтисодиётда прогрессив ўзгаришлар ва қайта қуришларнинг муҳим шарт-шароитидир. У тараққиётнинг ажралмас қисми, ижтимоий ривожланишнинг асосини ташкил қилади. Иқтисодий ўсиш - аҳолининг моддий фаравонлигини ошириш воситаси ҳисобланади. Шу сабабли у давлат иқтисодий сиёсатининг негизи бўлиб қолади. Иқтисодий ўсиш нафақат ишлаб чиқариш, балки тақсимот муносабатларини такомиллаштириш, меҳнат ресурсларининг бандлигини таъминлаш, инвестицион фаолликни ошириш ва пировард натижада давлат бюджети даромадларининг кўпайиб боришини таъминлаш манбаи ҳисобланади. У кўпгина ички ва халқаро даражадаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш имконини беради. Иқтисодий ўсиш мамлакат аҳолисининг турмуш даражасини оширишга, экология, мудофаа муаммоларини ҳал этишга имконият туғдиради.

Иқтисодий ўсиш турлари

Экстенсив иқтисодий ўсишга

- ишлаб чиқаришнинг аввалги техникавий асоси сақланиб қолган ҳолда ишлаб чиқариш омиллари миқдорининг кўпайиши туфайли эришилади.

Иқтисодий ўсишнинг интенсив тури

- шароитида маҳсулот чиқариш миқёсларини кенгайтиришга ишлаб чиқариш омилларини сифат жиҳатидан такомиллаштириш, янада илғор ишлаб чиқариш воситаларини ва янги техникани қўллаш, ишчи кучи малакасини ошириш, шунингдек мавжуд ишлаб чиқариш потенциалидан яхшироқ фойдаланиш йўли билан эришилади.

× Кейинги 10-15 йил ичида кўпгина иқтисодчилар диққати Жанубий-Шарқий мамлакатлари иқтисодий ўсиш билимларига бориб тақалмоқда. Бу мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишларидаги ютуғи ҳақиқатдан ҳам афсонавий характерга эга. Бошқа ҳеч қандай ривожланаётган мамлакатлар гуруҳи бундай ўсиш суърати, қашшоқликни пасайиши даражаси, жаҳон бозорига интеграцияси, шунингдек ҳаётийлик даражасининг ошиши бўйича ўрناق бўла олмайди. Кейинги 25 йил ичида бу ерда аҳоли талаби деярли 4 баробар ошди. Қашшоқликда яшаётган аҳоли қисми таъхминан 2-3 ҳажмда камайди, аҳоли ўсиш суърати тез тушиб кетди, таълим даражаси ва саломат кўрсаткичлари сезиларли яхшиланди. “Осиё йўлбарслари” (Жанубий Корея, Сингапур, Ганконг, Тайван)нинг кетидан “иккинчи авлод” (Индонезия, Малазия) борди, ҳозир эса оқилона ўсишнинг янги ҳаракати сифатида Хитой номоён бўлди.

- ✘ Барқарор иқтисодий ўсиш - бу узоқ вақт давомида иқтисодиётни юқори суръатлар билан ўсиб боришидир. Макроиқтисодиёт назарияси ва жаҳон амалиёти кўрсатишича мамлакатларни йиллик ЯИМни ўсиш суръати 7% дан кам бўлмаса ЯИМнинг ҳажми 10 йилда 2 марта кўпаяди. Аксинча ЯИМнинг йиллик ўсиш суръати 10% дан кам бўлмаса, мамлакат ЯИМ ҳажми 7 йилда 2 марта кўпаяди.
- ✘ Реал иқтисодий ўсиш моҳияти иқтисодиётни асосий зиддиятларнинг янги даражасида қайта тиклаш ва рухсат беришдан иборат: ишлаб чиқариш ресурсларининг чекланмаганлиги ва жамият эҳтиёжларининг чекланмаганлиги орасида.
- ✘ Бу қарама-қаршилик икки асосий усулда бўлади:
 - ишлаб чиқариш қувватининг ошиши ҳисобига;
 - ишлаб чиқариш қуввати ва жамият эҳтиёжлари ривожланишига эга бўлган самарали фойдаланиш ҳисобига.

ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШ

- *Биринчидан*, бозор тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлайдиган ҳуқуқий база ва ижтимоий муҳитни таъминлаш рақобатни ҳимоя қилиш.
- *Иккинчи* гуруҳ вазифаларини бажаришда давлат бозор тизими фаолиятини кучайтиради ва турлайди. Бу ерда давлатнинг қуйидаги учта вазифаси асосий аҳамиятга эга.
- -даромад ва бойликларни қайта таксимлаш;
- -миллий маҳсулот таркибини ўзгартириш мақсадида ресурслар тақсимотини тартибга солиш;
- -иқтисодиётни барқарорлаштириш,

- давлат жамиятдаги даромадлар номутаносиблигини камайтириш вазифасини бажаради. Бу вазифалар бир нечта сиёсий тадбирлар ва дастурларда ўз ечимини топган. Биринчидан, трансферт тўловлари орқали ёрдамга муҳтож, боқиманда, ногирон ва ишсизларни нафақалар билан таъминлайди. Иккинчидан, давлат бозорга аралашуви орқали даромадлар тақсимланишини ўзгартиради. Фермерларга кафолатланадиган баҳо ва минимал иш ҳақи тўғрисидаги қонунчилик давлатнинг аҳоли айрим гуруҳлари даромадларини тенглаштириш мақсадида баҳони тартибга солиб туришга мисол бўла олади. Бундан ташқари аҳолидан олинадиган даромад солиқларининг фоизлар бўйича табақаланиши ҳам аҳолининг кам таъминланган қисмини қўллаб-қувватлаш мақсадида олиб борилаётган дастурлардан биридир.

ДАВЛАТНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИ

- бюджет;
- пул-кредит;
- дотация;
- субвенция;
- субсидия;
- халқ хўжалиги баланси;
- солиқ механизми;
- чегараланган баҳолар ва бошқалар.

- Дотация - бюджет ва бюджетдан ташқари фондлардан қайтариб олмаслик шарти билан хўжаликларнинг зарарларини қоплаш, шунингдек, маҳаллий бюджетлар мутаносиблигини таъминлаш учун ажратилган пул маблағларидир.
- Субвенция - қатъи мақсадлар учун бериладиган дотация тури бўлиб, фойдаланиш шарти бузилганда уни қайтариб олиш мумкин.
- Субсидиялар - бу пул ёки натура кўринишидаги ёрдам тури бўлиб, бюджет ва бюджетдан ташқари фондлардан кўрсатилади. Субсидиялар бевосита ва билвосита бўлиш мумкин. Тўғри субсидиялар – капитал қўйилмалар, илмий тадқиқотлар, кадрларни қайта тайёрлашга ажратилган маблағлар, эгри субсидиялар солиқ имтиёзлари, имтиёзли шартларда кредитлар бериш, пасайтирилган божхона божлари ва ҳоказолардир. Бундан ташқари давлат аҳолини давлат трансфертлари кўринишида ҳимоя қилади.

ДАВЛАТНИНГ ФИСКАЛ СИЁСАТИ

- **Давлат фискал сиёсати** – бу давлат бюджети даромадлари ва харажатлари таркибий қисмини ўзгартириш орқали миллий иқтисодиётга таъсир қилишни англатади.
- **“Фискал”** лотинча сўзидан олинган бўлиб, хазина деган маънони билдиради. Бу ўз навбатида “хазина сиёсати” деган тушунчани ҳам юзага келтиради.
- “Фискал сиёсатнинг асосий мақсади, - ишсизлик ва инфляцияни юмшатишдан иборатдир. Таназзул даврида кун тартибида рағбатлантирувчи фискал сиёсат тўғрисидаги масала пайдо бўлади.
- У қуйидагиларни ўз ичига олади: (1) давлат харажатларининг кўпайиши ёки (2) солиқларнинг пасайиши, ёхуд (1) ва (2)ни бирга қўшиб олиб бориш.

ФИСКАЛ СИЁСАТ

➤ Иқтисодиётнинг циклик ривожланиши ва инқирозларни бартараф этишнинг асосий дастаги бу – давлат харажатларидир. Кейнснинг фикрича, унинг шаклланиши, тузилиши ва ўсиши “самарали талаб”га эришишдаги муҳим омилдир.

➤ Фискал сиёсат олдида қўйилган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, унинг учта йўналиши, яъни иқтисодий ўсишни рағбатлантириш, барқарорлаштириш ва иқтисодий фаолиятни чегаралаш сиёсатларни алоҳида ажратиш кўрсатиш мумкин.

➤ Иқтисодий ўсиш мақсадларидан келиб чиқилганди, фискал сиёсат бандлик даражасини ва шу орқали ЯИМ реал ҳажмини оширишга қаратилади. Бунда рағбатлантирувчи фискал сиёсатнинг дастаклари давлат харажатларининг ўсиши ва солиқ ставкаларининг пасайиши ҳисобланади

➤ Давлатнинг бюджет барқарорлигини таъминлашга қаратилган молиявий сиёсати иқтисодий инқироз ёки турғунлик даврида бюджет тақчиллигини бартараф этиш мақсадларига қаратилиши зарур.

- **Нодискрецион фискал сиёсат** дейилганда, солиқ тизимининг мустақил барқарорлаштирувчи бир қатор лаёқатлари, яъни унинг мамлакатдаги иқтисодий фаолликни қандайдир бошқарувчи органларнинг бевосита аралашувларисиз тартибга солиш имкониятини берувчи айрим хусусиятлари тушунилади.

- **Дискрецион фискал сиёсат** – бу миллий ишлаб чиқариш реал ҳажмини ўзгартириш, бандлик даражасини ушлаб туриш ва инфляция устидан назорат ўрнатиш ҳамда иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида солиқлар билан бирга, давлат харажатларини онгли равишда манипуляция қилиш тушунилади.

Дискрецион фискал сиёсатнинг асосий дастаклари қуйидагилар ҳисобланади:

- Давлат сарфлари билан боғлиқ бўлган ижтимоий ишлар ва бошқа дастурлари;
- Давлат буюртма ва харидлари;
- Давлат инвестициялари;
- Трансферт ёки қайта тақсимлаш туридаги харажатларни ўзгартириш;
- Солиқларни бошқариш.

3. Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлаш омиллари ва натижалари

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида олиб борилган ислоҳотлар орқали иқтисодиётнинг барқарор ўсиши таъминланди, макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик мустаҳкамланди, иқтисодиёт ва унинг айрим соҳалари ўртасидаги мутаносиблик кучайди; бозор механизмининг таркибий қисмлари қарор топди ва унинг инфратузилмалари вужудга келтирилиб, ривожлантирилди.

Мамлакатимизда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминланиш мақсадида қуйидаги жараёнларнинг амалга оширилишига катта эътибор қаратилди:

1

• кенг кўламдаги тизимли бозор ислохотларини изчил амалга ошириш;

2

• хорижий инвестицияларни жалб қилиш чора-тадбирларини кучайтириш;

3

• иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш;

4


• ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилаш;

5

• экспортга ихтисослашган янги тармоқ ва корхоналарни барпо этиш;

6

• кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга қаратилган, ҳар томонлама пухта ўйланган сиёсатни амалга ошириш.

The background is a solid green color. In the four corners, there are decorative elements consisting of thin white lines that branch out and end in small white circles, resembling a circuit board or a network diagram. The text is centered in the middle of the page.

**Эътиборингиз учун
рахмат!**